



Publisher:
Fast support and result LLC

STDF

Science technology & Digital Finance

VOLUME|3 ISSUE|5
NOVEMBER|2025



VOLUME / 3 ISSUE / 5 NOVEMBER / 2025

ТОМ / 3 ВЫПУСК / 5 НОЯБРЬ / 2025

JILD / 3 SON / 5 NOYABR / 2025

Davriy nashrning rasmiy nomi: “Science technology & Digital finance” O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 17.08.2023 sanada berilgan №116083 guvohnomasi bilan ro`yxatdan o`tgan.

Jurnal asoschilari: “Fast support and result” nashriyoti.

Xalqaro indeksi: ISSN 2992-9199.



Science technology & Digital finance

journal homepage: <https://bestjournalup.com/index.php/stdf>

ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИ: РЕЖАЛАР ВА АМАЛИЁТ НАТИЖАЛАРИ (XX АСРНИНГ 20-60 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

Насиров Бунёд

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори., доцент. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали, Жиззах, Ўзбекистон



Спанов Мейрхан

Мухтор Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон университети доценти

Annotatsiya

Мақолада умумий овқатланиш тизимининг инсон кундалик ҳаётида тутган ўрни, бу борада анъанавийлик, совет ҳукумати йилларида Ўзбекистонда умумий овқатланиш тизими фаолияти билан боғлиқ амалга оширган чора-тадбирлар, режалар, шу ўринда умумий овқатланиш тизимидаги аҳвол, ишлаб чиқариш ташкилотларидаги ҳолат, моддий-техник таъминот, соҳа фаолиятига оид бошқа муаммолар ҳамда аҳолининг бу борада эҳтиёжи ёритилган.

Annotation

The article covers the role of the catering system in the daily life of a person, the tradition in this regard, the measures, plans implemented in connection with the activity of the catering system in Uzbekistan during the years of the Soviet government, at the same time the situation in the catering system, the situation in production organizations, material and technical support, other problems

Аннотация

В статье освещается роль системы общественного питания в повседневной жизни человека, традиции в этом отношении, меры, планы, реализуемые в связи с деятельностью системы общественного питания в Узбекистане в годы советской власти, в то же время ситуация в системе общественного питания, ситуация с в производственных организациях, материально-техническом обеспечении, других проблемах

Kalit soʻzlar:

чайхона, ошхона, таом, ресторан, буфет, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш, совет ҳокимияти, соҳа, аҳоли.

Key words:

teahouse, canteen, canteen, restaurant, buffet, general catering, service, government council, industry, population.

Ключевые слова:

чайхана, столовая, Столовая, ресторан, буфет, общее питание, обслуживание, совет власти, промышленность, население.

Email: n.bunyod2020@mail.ru

©2025. B.Nasirov, M.Spanov

Published by Fast support and result LLC. This is an open access article under the CC BY-NC-ND license



[Creative Commons Attribution-NonCommercial-NoDerivatives 4.0 International License.](https://creativecommons.org/licenses/by-nc-nd/4.0/)

Кириш

Маълумки, умумий овқатланиш тизими¹ кишилар ҳаётида алоҳида ўринга эга бўлиб, унда ишнинг тўғри ташкил этилиши, шароити, сифати, аҳолининг эҳтиёж ва таклифларини инобатга олиниши ўз ўрнида муассаса ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Соғлом овқатланиш қоидаларидан бири овқатланишда ишлатиладиган маҳсулотларнинг хилма-хил бўлишидир. Бу қоидага риоя этишлик тана аъзолари ва тизимларнинг меъёрдаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, саломатликни мустаҳкамлаш, эрта қариш ва турли хил касалликларнинг олдини олиш ҳамда ташқи муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган озиқ моддалар билан таъминлаш имконини беради. Таркибида у ёки бу зарур озиқ моддани кўплаб миқдорда сақловчи маҳсулот организмни таъминловчи озуқа манбаи ҳисобланади².

Умумий овқатланиш муассасалари узоқ тарихга эга бўлиб, уларнинг замонавий кўринишларини вужудга келишида қуйидагиларни эътироф этиш лозим. Бугунги кунда

ҳам аҳоли кўп ташриф буюрадиган чойхоналар қадимда работлар, бозор, гузарлар ва маҳаллалардаги хушманзара жойларга қурилган, уларда чой-нондан ташқари турли қанд-қурс, мева қоқилар сотилган, таомлар ҳам тайёрланган. Чойхоналарлар мусофирлар, йўловчилар тунаб қоладиган жой вазифасини ҳам бажарган³.

1917 йил 28-октябрда совет ҳукумати томонидан “Озиқ-овқат ишида ўз-ўзини бошқаришда шаҳар ҳуқуқини кенгайтириш ҳақида”ги декрет муҳим аҳамият касб этди⁴.

Совет мамлакатида давлат умумий овқатланиш тизимининг вужудга келишида, “Нарпит” ширкатининг тузилиши муҳим аҳамият касб этди. “Нарпит”нинг пайдо бўлиши дастлабки йилларида, “Нарпит” ва ишчилар союзи Марказий кўмитаси меҳнаткашлар овқатланишини ташкил қилишни такомиллаштириш бўйича қатор ишларни амалга оширди⁵.

Асосий қисм

XX асрнинг 20-30-йилларида совет ҳукуматининг асосий вазибаларидан бири бошқариладиган

¹ Умумий овқатланиш корхоналарига қуйидагилар киради:

Фабрика-кухня, фабрика- тайёрлов жойи, ошхоналар (тайёрлов, тайёрлашгача, тарқатувчи ва бошқалар), ресторанлар, вагон-ресторанлар, умумий кўринишдаги кафелар, махсус кафелар (ёшларники, болаларники, музқаймоқли, кандолатчилик, кафе автомат) : умумий емакхоналар, махсус емакхоналар (кабобли, котлетли, сосискали, чучварали, сомсали, ош, чебурекли, пирожкали, куймоқли, пончикли, бутербродли) : чайхоналар, чой ичиш жойлари, барлар (пиволи, виноли, коктейль бари, коктейль холли, сутли), кафетерий (магазин қошидаги кафе бўлими), буфетлар, купе-буфетлар, кандолатчилик

магазинлари, ярим маҳсулотлар тайёрлашга мўлжалланган махсус цехлар, кандолатчилик, кондитерлик ва ун маҳсулотларидан.

² Халмурзаева Н. Соғлом овқатланиш. Қува ҳаёти газетасининг 2022 йил 13 апрель кунги 9-10 (7838-39)-сони.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. (Электрон шакли)

⁴ Бозоров Н., Шапошников Ф. Умумий овқатланиш системасини бошқаришни такомиллаштириш.- Тошкент: Меҳнат, 1986. -Б. 7.

⁵ Бозоров Н., Шапошников Ф. Умумий овқатланиш системасини бошқаришни такомиллаштириш.- Тошкент: Меҳнат, 1986. -Б. 7.

жамиятн барпо этиш масаласи бўлди⁶. Бу борада, “янги инсон”ни-“социализм қурувчиси”ни яратиш ғояси муҳим аҳамият касб этди. “Янги инсон” учун янгича турмуш тарзи, бўш вақти ва дам олишни қандай ўтказиши лозимлиги каби масалалар ҳам эътиборга олинди. Ҳамкорликда меҳнат қилиш, ҳамкорликда ижодий бўш вақтни ўтказиш каби ғоялар амалга ошириш режалаштирилди. Бу эса инсоннинг шахсий ҳаётидан воз кечишни англатар эди⁷.

Шу даврда, бошқа исталган жамиятда вужудга кела олмайдиган ҳамда илдиз ота олмайдиган совет ошхонаси шаклланди⁸. Умумий овқатланишга асос сифатида пазандачилик эмас, балки ижтимоий тамойил асос қилиб олинди. Совет ошхонаси олдинги миллий ошхоналардан фарқ қилар эди. Ундаги муаммолар сирасида нафақат пазандчалик соҳаси, маданият ва мафкура соҳаси ҳам алоқадор бўлиб, фаолияти ўтмишдаги анъанавий ошхоналардан фарқланган⁹.

1923-1924 йилларда меҳмонхоналарда ошхоналар, дам олиш жойлари ва бозорларда кизил

чойхоналар ва кабобхоналар очилган¹⁰.

XX асрнинг 30-йиллардан бошлаб, совет давлатида аёлларни янги совет давлатини барпо этишга ишларига жалб қилиш мақсадида, уларни ошхона ишидан озод қилиш масаласига эътибор қаратилди. Бу борада турли тарғибот материалларидан кенг фойдаланилди¹¹.

Мавжуд умумий ошхоналар, кооперацияланган трактирлар, тамаддихоналар ва кичик ва йирик ресторанлар янги социалистик умумий овқатланиш тизими элементларга эга бўлган уч хил гуруҳга ажралди¹²:

-ёпиқ турдаги жамоавий овқатланиш муассасалари (ошхоналар ва буфетлар) – ташкилотлар, ўқув юртлари бўлиб, уларда ишчилар, хизматчилар ва таълим олувчилар каби доимий контингентга хизмат кўрсатилган. Шунингдек, вақтинчалик контингент ҳам бўлиб, соғлиқни сақлаш ташкилотлари беморлари, санатория-курор масканлари, томошагоҳлар, спорт заллар ва транспорт

⁶ Барышева Е.В. Личное пространство в повседневной жизни СССР:1920-1930-е годы. - С.200. (Электрон ресурс: [Личное пространство в повседневной жизни СССР: 1920-1930-е годы – тема научной статьи по истории и археологии читайте бесплатно текст научно-исследовательской работы в электронной библиотеке КиберЛенинка](#))

⁷ Барышева Е.В. Личное пространство в повседневной жизни СССР:1920-1930-е годы. - С.200. (Электрон ресурс: [Личное пространство в повседневной жизни СССР: 1920-1930-е годы – тема научной статьи по истории и археологии читайте бесплатно текст научно-исследовательской работы в электронной библиотеке КиберЛенинка](#))

⁸ Глуценко И.В. Роль государственной власти в формировании культуры питания в СССР 1920-1930 гг. Автореферат на соискание ученой степени кандидата культурологии.-Москва, 2014. -С. 17.

⁹ Глуценко И.В. Роль государственной власти в формировании культуры питания в СССР 1920-1930 гг. Автореферат на соискание ученой степени кандидата культурологии.-Москва, 2014. -С. 18.

¹⁰ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. (Электрон шакли)

¹¹ Чаус Н.В. Система общественного питания в СССР в плакатном искусстве.//Современные проблемы сервиса и туризма. -2010. -№3. – С. 16-22. (Электрон ресурс: [tourlib.net/statti_tourism/chaus.htm](#))

¹² Попов Д.А. Общественное питание: Советская организация. Вестник Хабаровского государственного университета экономики и права. 2017. № 3 (89) - С. 127.

ташкilotлари вакилларига хизмат кўрсатилган;

-йирик қишлоқ масканлари ва шаҳарлардаги оммавий очиқ кўринишдаги таом истеъмол қилишга мўлжалланган масканлар бўлиб, бу ерда бўш вақтида ташриф буюрган ишчилар, таълим олувчилар ва бошқаларга хизмат кўрсатилган;

-тижорат кўринишидаги чекланган кириш имкониятига эга муассасалар (ресторанлар) бўлиб, улар асосан кечки пайт ишлаб бадавлат оммага хизмат кўрсатилган.

XX асрнинг 30-йиллари иккинчи ярмида ўтказилган маданий сиёсат натижасида, мамлакатда янги “совет” овқатланиш маданияти шаклланди¹³. Бу жараёнда, Озиқ-овқат саноати халқ комиссариати (А.Микоян) раҳбарлигида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, стандартлар, аҳолига таниш бўлган махсус савдо масканлари, брендлар вужудга келди¹⁴. Таом тайёрлашда махсус рецептлар ишлаб-чиқилиб, унда иносн учун зарур бўлган калория, витамин ва микроэлиментлар миқдори инобатга олинди¹⁵. Шу йилларда, бир қараганда

овқатланиш тизими йилдан-йилга ривожлангандек кўринади. Масалан, Тошкент шаҳрида ошхона ва ресторанлар сони 1924 йил 32 та, 1938 йил 47 та, 1939 йил-51, 1940-103 тани ташкил қилган. Тамаддихоналар сони 1938-йилда-103, 1939 й.-181, 1940 й.-302 дондан иборат бўлган¹⁶.

Иккинчи жаҳон уруши даврида “Барчаси фронт учун, барчаси ғалаба учун” сўзлари кун шиори эди. Урушнинг биринчи ойлардаёқ шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва биринчи асосий маҳсулотлар билан меъёрида таъминлаш йўлга қўйилди. Тахминан оғир саноат, мудофаа, энергетика, кимё ва транспорт корхоналарининг ишчилари 60 фоизи оширилган озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлишди¹⁷.

Совет Иттифоқи Савдо халқ комиссариати томонидан 1944 йил 27 ноябрь кунги хатида, алоҳида контингентлар учун совуқ ҳолатдаги нонушта беришни тартибга солиш мақсадида, муассасалар томонидан совуқ ҳолатдаги нонушталарни лимит асосида ва талон билан берилиши

¹³ Реховская Т.А. Культура питания населения и проведение политики продовольственной безопасности в России (СССР) в 20-30-е годы XX века. Вестник КемГУКИ 28/2014. - С.59. Электрон ресурс: [Культура питания населения и проведение политики продовольственной безопасности в России \(СССР\) в 20-30-е годы XX века – тема научной статьи по истории и археологии читайте бесплатно текст научно-исследовательской работы в электронной библиотеке КиберЛенинка](#)

¹⁴ Реховская Т.А. Культура питания населения и проведение политики продовольственной безопасности в России (СССР) в 20-30-е годы XX века. Вестник КемГУКИ 28/2014. - С.59-60. Электрон ресурс: [Культура питания населения и проведение политики продовольственной безопасности в России \(СССР\) в 20-30-е годы XX века – тема научной статьи по истории и археологии читайте бесплатно текст научно-](#)

[исследовательской работы в электронной библиотеке КиберЛенинка](#)

¹⁵ Реховская Т.А. Культура питания населения и проведение политики продовольственной безопасности в России (СССР) в 20-30-е годы XX века. Вестник КемГУКИ 28/2014. - С.59-60. Электрон ресурс: [Культура питания населения и проведение политики продовольственной безопасности в России \(СССР\) в 20-30-е годы XX века – тема научной статьи по истории и археологии читайте бесплатно текст научно-исследовательской работы в электронной библиотеке КиберЛенинка](#)

¹⁶ Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларидан трансформация жараёнлари (1917-1941 йиллар). – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2015. –Б. 151.

¹⁷ Попов Д.А. Общественное питание: Советская организация. Вестник Хабаровского государственного университета экономики и права. 2017. № 3 (89) - С. 129.

белгиланди¹⁸. Бу борада, совуқ ҳолатдаги нонушталарни тарқатилиши ҳамда талон, купон ва ордерлар рўйхати Совет Иттифоқи Савдо халқ комиссариатининг 1943 йил 10 сентябрдаги 415-сон буйруғи талаблари асосида ташкил этилиши лозимлиги қайд этилди¹⁹.

1943 йил бошидан, Куйбишев ошхоналар трестига қарашли “Националь” ресторани 1500-2000 кишини қабул қилиш сиғимига эга бўлсада, унда мавжуд ускуналардан тўлиқ фойдаланилмаган. 1943-йилнинг И-чорагида ресторан юклама билан ишлаган²⁰. Кейинги вақтларда эса умуман фаолият кўрсатмаган²¹.

Худди шу пайт, 2-сон махсус контора ошхонаси жуда юклама остида бўлган. Хусусан, 1500 нафар

профессор-ўқитувчиларга хизмат кўрсатадиган 5-сон ошхона авария ҳолатида бўлиб, 500-800 кишига хизмат кўрсатишга мўлжалланган²². Куйбишев ошхоналар трестининг 5-сон ошхонаси диета-таомларига мўлжалланган бўлиб, бу ерда диета ва хизмат сафарига келганларга мўлжалланган таомларн тайёрланган. Ошхонада, диета ва хизмат сафрига мўлжаллаган кишиларга хизмат кўрсатилиши, ошхонада диета таомларининг нормал ривожланишига ўз таъсирини кўрсатган²³.

1940-1969 йилларда Ўзбекистонда савдо тизимининг ривожланиши хусусида қуйидагиларни маълум қилиш мумкин²⁴:

1-жадвал

Давлат ва кооператив шаклдаги умумий овқатланиш корхоналари сони (йил якунига)²⁵

	1940 й.	1960 й.	1965 й.	1966 й.	1967 й.	1968 й.	1969 й.
Жами корхоналар шундан:	3017	6 508	9 683	10 252	10 882	11 247	11 826
фабрика-ошхона	-	1	3	3	3	3	3
ошхоналар, ресторанлар ва чой ичадиган масканлар	1 547	2 435	3 831	4 146	4 504	4 793	5 078
газакка мўлжаллаган ва буфетлар	1470	4 072	5 849	6 103	6 375	6 691	6 745

¹⁸ ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 29-йиғма жилд, 2-варак.

¹⁹ ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 29-йиғма жилд, 2-варак.

²⁰ ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 31-йиғма жилд, 33-варак.

²¹ ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 31-йиғма жилд, 33-варак.

²² ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 31-йиғма жилд, 33-варак.

²³ ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 31-йиғма жилд, 33-варак.

²⁴ Народное хозяйство в Узбекской ССР в 1969 г. Статистический ежегодник. -Ташкент: Узбекистан, 1970. -С. 231.

²⁵ Народное хозяйство в Узбекской ССР в 1969 г. Статистический ежегодник. -Ташкент: Узбекистан, 1970. -С. 247.

2-жадвал

Мактаб ошхоналари ва буфетлар (йил якунига)²⁶

	1960 й.	1965 й.	1966 й.	1967 й.	1968 й.	1969 й.
Ошхоналар сони	77	625	780	990	1 085	1 141
Уларда ўриндиқлар	2 743	21 337	26 287	30 663	35 696	39 691
Буфетлар сони	1 269	3 006	2 489	2 940	3 345	3 276
Уларда ўриндиқлар	6 697	19 905	18 705	21 410	26 300	26 929

Совет Иттифоқи Савдо халқ комиссариатининг 1943 йил 9 февраль кунги 62-сон буйруғи асосида, **ОРС**, кучайтирилган ва диета таомларига оид махсус ошхоналар фаолиятида диета таомларини ташкил этиш масалалари қайд этилди²⁷. Бундай ошхоналарда, ишчиларга тушлик тарқатилишида белгиланган меъёрдан ошиқ таом тарқатилиши, махсус карточка тизимидан фойдаланиш ва диета таомлари учун алоҳида стол бўлиши лозимлиги эътироф этилди²⁸. Кучайтирилган ва диета таомлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари корхонанинг марказлашган фонди ҳисобидан таъминлаш кўзда тутилди²⁹. Бундай ошхоналарга бириктирилган кишиларга, 100 гр миқдорда нон ва 2-3 хил таом берилиши лозимлиги (махсус талон асосида) эътироф этилди³⁰. Кучайтирилган ва диета таомларини истеъмол қилувчи ишчилар рўйхати

корхона маъмурияти томонидан ҳар ойда тузилган³¹.

Темир йўл станциялари буфетлари, вагон-ресторанлар, ресторанларда нон берилиши йўналиш озиқ-овқат китобчалари ҳамда ҳарбий комендант томонидан берилган танлон бўйича тарқатилиши кўзда тутилди³². Хизмат сафари билан келганларга, тушлик ёпиқ турлаги ошхоналарда ушбу ташкилотнинг ошхонасида, йўналиш озиқ-овқат китобчалари орқали берилиши белгиланди³³.

Тошкентдаги темир йўл станциясига нон сотадиган савдо расталарини талон асосида сотишни йўлга қўйиш қайд этилди³⁴.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1949 йил 19 май кунги “Ўзбекистон ССРда умумий овқатланишни яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 774-сон Қарорида, соҳа фаолияти билан боғлиқ бир қатор маълумотлар қайд этилган³⁵. Умумий овқатланиш

²⁶ Народное хозяйство в Узбекской ССР в 1969 г. Статистический ежегодник. -Ташкент: Узбекистан, 1970. -С. 248

²⁷ ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 33-йиғма жилд, 18-варак.

²⁸ ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 33-йиғма жилд, 18-варак.

²⁹ ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 33-йиғма жилд, 19-варак.

³⁰ ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 33-йиғма жилд, 19-варак.

³¹ ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 33-йиғма жилд, 19-варак.

³² ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 33-йиғма жилд, 112-варакнинг орқа томони.

³³ ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 33-йиғма жилд, 112-варакнинг орқа томони.

³⁴ ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 33-йиғма жилд, 113-варак.

³⁵ ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 66-йиғма жилд, 18-варак.

корхоналари томонидан айланма режаси мунтазам равишда бажарилмаган. 1948 йил бу борада, режа 83 фоизга бажарилган. 1949 йилнинг И-чорагида режа 89,6 фоизга бажарилган. Ресторан ва ошхоналарда тайёрланаётган таомнинг тури кўп эмас. Сифат эса паст, ускуналардан фойдаланиш қониқарсиз аҳволда³⁶. Шарқ йўлресторан Тошкент идорасида, ошхона ва ресторналар трестида ҳам аҳвол ёмон бўлган, Бу борада, Ўзбекистон СССР бош савдо ва истеъмолчилар, хунармандлар коперацияси ва ногиронлар коперациясида аҳвол яхши бўлмаган³⁷.

Умумий овқатланиш муассасаларида меню деярли бир хил бўлган. Айнан бир хил бўлган таом бошқа ном ва нархда сотилиши кузатилган. Биринчи даражали ресторанларда оддийгина идиш, ошхона жиҳозлари мавжуд бўлмаган³⁸.

1956 йилни 1 мартада компартия МҚ ҳамда СССР Вазирлар кенгашининг “Умумий овқатланиш муассасалари фаолиятини яхшилаш тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида мамлакатдаги умумий овқатланиш муассасалари аҳолининг кундалик турмушида муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида сўз юритилиб, соҳада оқсоқлик мавжудлиги, кўплаб ўқув юртлари, ташкилотлар, саноат корхоналарида ошхона ва буфетлар ташкил этилмагани, аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси талабга жавоб бермаслиги, умумий овқатланиш

муассасаларининг моддий-техник базаси ночор аҳволда эканлиги каби ҳолатларга жойлардаги раҳбарлар етарли эътибор қаратишмаётганликлари қайд этилди³⁹.

1956 йилда Самарқандда умумий овқатланиш муассасаларининг товар айланма режаси 100,4 фоизга бажарилган, шунингдек 48 та умумий овқатланиш муассасасида янгича хизмат кўрсатиш турлари (буйртмани хонадонга етказиб бериш, мижозни ўз-ўзига хизмат қилиши) йўлга қўйилган, 21 та умум таълим мактабда иссиқ нонушта ташкил этилган, бир қанча умумий овқатланиш муассасалар янги механик ва технологик ускуналар билан таъминланган. Соҳада ижобий томонга ўзгаришлар содир этилаётган бўлсада, аммо умумий аҳволда аҳолининг талабига жавоб бермаган. Шаҳардаги кўплаб умумий овқатланиш муассасаларда аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси паст бўлган ёки тайёрланаётган таомларнинг тури ўта кам, сифати паст, бунинг устига мижозни ҳақидан уриб қолиш каби ҳолатлар кузатилган⁴⁰.

1960-йилларда умумий овқатланиш соҳасида ёшлар кафеси вужудга келди. Бу кафенинг фарқи шунда эдики, унда барчаси янгича бўлиб, ёшлар кафесида джаз мусиқаси, шахмат турнирлари, фотосуратлар кўргазмаси, таниқли шоир, артист ва қўшиқчиларнинг

³⁶ ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 66-йиғма жилд, 18-варақ.

³⁷ ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 66-йиғма жилд, 18-варақ.

³⁸ ЎзМА, Р-91-фонд, 9-рўйхат, 66-йиғма жилд, 18-варақнинг орқа томони.

³⁹ Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам, т.4 М.: Политиздат, 1968. –559-564 с.

⁴⁰ СВДА, 1647- фонд, 1-рўйхат, 312-иш, 1-2-варақлар.

чиқишлари каби янги муҳит ташкил этилган эди⁴¹.

1960 йилларда республикадаги бир қанча вилоятларда тизимни ривожлантириш, моддий-техник базани мустақкамлаш ҳамда умумий овқатланиш муассасаларининг тегишли муаммоларини бартараф этиш ишларига жойлардаги маҳаллий ҳукумат раҳбарларининг эътиборсизлик билан ёндошаётганликлари соҳага салбий таъсир ўтказган. Турли вазирликлар ва юқори идоралар томонидан ҳам таркибидаги қўйи тармоқларда тизимни ривожлантиришга етарли эътибор қаратмаганликлари оқибатида, республикадаги завод ва фабрикалардаги ошхоналарда бир ўринга меъёр бўйича 6 киши ўрнига 11 киши тўғри келган⁴². Шунингдек, Бухоро, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд вилоятлари ҳамда ҚҚАССРдаги саноат корхоналарида ошхоналардаги ўриндиқлар сони 1000 кишига меъёрдагидан 3-2 баробар кам бўлган⁴³.

Бундан ташқари, XX асрнинг 60-йиллари якунида Самарқанд, Бекобод шаҳарларидаги темир-бетон буюмлари ва цемент заводлари, Қўқон шаҳридаги пахта заводи, Бухородаги пойабзал фабрикаси ҳамда бошқа корхоналардаги ошхона ва буфетлар хизмат кўрсатиш учун ноқулай биноларда жойлашганлиги, омборхоналар йўқлиги, ўриндиқлар жуда камлиги аниқланган. Шу каби ҳолат юзасидан, Тошкент шаҳридаги асбоб-ускуналар заводида 2000 нафар

ходим ишлаган ва у ердаги ошхона 80 кишига мўлжалланган (бир ўринга меъёр бўйича 6 киши ўрнига, 25 киши тўғри келган), Тошкентдаги пластмасса буюмлар заводида 1500 нафардан ортиқ ишчилар ишлашган ва у ердаги ошхона 40 кишига мўлжалланган, Намангандаги костюм ва штапел матолар комбинат ошхонасида бир ўринга 30 киши тўғри келган⁴⁴. Очиқ турдаги овқатланиш муассасалари Андижон, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида 1000 кишига 12 тагача ўрин тўғри келган⁴⁵.

Хулоса

Умуман олганда, ушбу даврда Ўзбекистонда совет ҳукумати томонидан умумий овқатланиш тизимини ривожлантиришда бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Режалар белгиланди ва маълум маблағлар ажратилди. Бироқ, йиллар мобайнида аҳоли турар жойлари, турли ўқув юртлари ва йирик ташкилотларда умумий овқатланиш муассасаларини барпо этиш, ривожлантириш ва мавжуд муаммоларини ҳал этишга етарли эътибор қаратилмади. Бу эса ўз даврида аҳолининг умумий овқатланиш муассасаларига бўлган эҳтиёжида кўзга ташланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

советлар ҳокимияти ўз ҳукмронлигини ўрнатгач, нафақат сиёсий жиҳатдан мамлакатни қарам қилиб туриш, балки иқтисодий,

⁴¹Ильющенко Д.В. Культура советского общепита в 1970-х-1980-х годах: достижения и проблемы//«Экономика и экономические науки». – С.97-100. (Электрон ресурс: <https://cyberleninka.ru/article/v/kultura-sovetskogo->

[obschepita-v-1970-h-1980-h-godah-dostizheniya-i-problemy\)](#)

⁴² Ўз МА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 298-иш, 59-варақ.

⁴³ Ўз МА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 427-иш, 3-варақ.

⁴⁴ Ўз МА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 427-иш, 4-варақ.

⁴⁵ Ўз МА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 427-иш, 70-варақ.

маданий ва маиший турмуш-тарзига ҳам таъсир қила бошлади;

умумий овқатланиш тизимисиз аҳолининг кундалик ҳаётини тасаввур қилиш қийин. Шу боис компартия раҳбарияти аҳолига тезда таъсир этадиган бундай тизим орқали “социалистик турмуш тарзи”ни аҳоли ўртасида кенг ёйишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратди;

“социалистик турмуш-тарзи”, энг аввало, шаҳарларда, русийзабон қатламлар ўртасида кенг ёйилган бўлса, сўнгра маҳаллий аҳоли ҳам бу жараёнга жалб қилинди, секинлик билан бундай сиёсат шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиш борасидаги ҳаракатларга кўчди;

одамларга хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш ва бошқа шу хилдаги маиший хизмат муассасаларида миллий кадриятларимизга зид бўлган урф-одатларни тарғиб қилишга аҳамият берилди. Бу аҳолининг маънавий-ахлоқий жиҳатдан миллий менталитет хусусиятларидан узоқлашиш хавфини келтириб чиқарди.

Совет ҳукумати томонидан хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришда иттифоқ республикаларидаги аҳолининг яшаш тарзи, урф-одатлари, миллий даромади ва иқлими инобатга олинмади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Халмурзаева Н. Соғлом овқатланиш. Қува ҳаёти газетасининг 2022 йил 13 апрель кунги 9-10 (7838-39)-сон.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий

энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. (Электрон шакли)

3. Бозоров Н., Шапошников Ф. Умумий овқатланиш системасини бошқаришни такомиллаштириш.- Тошкент: Меҳнат, 1986. -Б. 7.

4. Барышева Е.В. Личное пространство в повседневной жизни СССР:1920-1930-е годы. - С.200. (Электрон ресурс: [Личное пространство в повседневной жизни СССР: 1920-1930-е годы - тема научной статьи по истории и археологии читайте бесплатно текст научно-исследовательской работы в электронной библиотеке КиберЛенинка](#))

5. Глущенко И.В. Роль государственной власти в формировании культуры питания в СССР 1920-1930 гг. Автореферат на соискание ученой степени кандидата культурологии.-Москва, 2014. -С. 17.

6. Чаус Н.В. Система общественного питания в СССР в плакатном искусстве.//Современные проблемы сервиса и туризма. -2010. - №3. – С. 16-22. (Электрон ресурс: [tourlib.net/statti tourism/chaus.htm](#))

7. Попов Д.А. Общественное питание: Советская организация. Вестник Хабаровского государственного университета экономики и права. 2017. № 3 (89) - С. 127.

8. Реховская Т.А. Культура питания населения и проведение политики продовольственной безопасности в России (СССР) в 20-30-е годы XX века.Вестник КемГУКИ 28/2014. - С.59. Электрон ресурс: [Культура питания населения и проведение политики продовольственной безопасности в России \(СССР\) в 20-30-е годы XX века – тема научной статьи по истории и](#)

[археологии читайте бесплатно текст научно-исследовательской работы в электронной библиотеке КиберЛенинка\)](#)

9. Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларидан трансформация жараёнлари (1917-1941 йиллар). – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2015. –Б. 151.
10. Народное хозяйство в Узбекской ССР в 1969 г. Статистический ежегодник. - Ташкент: Узбекистан, 1970. -С. 231.
11. Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам, т.4 М.: Политиздат, 1968. – 559-564 с.
12. Ильющенко Д.В. Культура советского общепита в 1970-х-1980-х годах: достижения и проблемы//«Экономика и экономические науки». –С.97-100.